

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСINI
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСINI
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ХАСАНОВА КАМОЛА ДИЛАВАРХОДЖАЕВНА

**ОРОФАРИНГИАЛ РАК БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДАГИ
РУҲИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТЕРАПЕВТИК
ЖАРАЁННИНГ КОРРЕКЦИЯСИ**

14.00.18 – Психиатрия ва наркология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хасанова Камола Дилаварходжаевна

Орофарингеал рак билан касалланган беморлардаги рухий ўзгаришларнинг хусусиятлари ва терапевтик жараённинг коррекцияси..... 3

Хасанова Камола Дилаварходжаевна

Особенности психических расстройств у больных раком орофарингеальной области и методы коррекции терапевтического процесса..... 25

Khasanova Kamola Dilavarkhodjayevna

Features of mental disorders in patients with oropharyngeal cancer and methods of correction of therapeutic process..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСINI
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСINI
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ХАСАНОВА КАМОЛА ДИЛАВАРХОДЖАЕВНА

**ОРОФАРИНГИАЛ РАК БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДАГИ
РУҲИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТЕРАПЕВТИК
ЖАРАЁННИНГ КОРРЕКЦИЯСИ**

14.00.18 – Психиатрия ва наркология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1213 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.timpe.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимов Улуғбек Худояровиچ
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Васи́ла Каримбековна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ашуров Зарифжон Шарифовиچ
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси 51-уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@timpe.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.И.Ходжаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ўсма касалликлари нафақат республикамизда, балки бутун дунё миқёсида мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида онкологик касалликларга чалиниш кўрсаткичи ошиб борапти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари шуни кўрсатадики, “2030 йилда бутун дунёда ўсма хасталиклари билан 15 миллион киши касалланиши мумкин”¹. Орофарингеал соҳа раки онкологик касалланишнинг умумий структурасида етакчи ўринни эгаллаб турибди. Онкологик беморлардаги рухий ўзгаришлар (ҳавотир, депрессия) нафақат асосий касалликни кечишига, балки беморнинг ҳаёт сифати кўрсаткичига ҳам таъсир кўрсатади. Рухий ўзгаришларни эрта аниқлаб, даволаш орқали даволаниш муддатини қисқартириш ва беморларни меҳнат қобилиятини қисман бўлса ҳам сақлаб қолиш тиббий ижтимоий муаммоларни камайишида катта аҳамиятга эга.

Жаҳонда онкологик касалликлардаги рухий бузилишларни эрта ташхислаш усуллари такомиллаштириш ва даволашга ёндашувни қайта кўриб чиқишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу борада онкологик касалликлардаги рухий бузилишларни клиник-типологик хусусиятларини баҳолаш, даволаш усуллари инновацион ва патогенетик жиҳатдан қиёсий ёндашиш, психотерапияси ҳамда фармакотерапиясини такомиллаштириш, беморларда ногиронликни ривожланишини олдини олишга, ҳаёт сифатининг турли хил шакллари аниқлаш, етакчи симптомлар турига қараб даволаш чора-тадбирларини оптималлаштириш учун онкологик беморлардаги рухий ўзгаришларнинг хусусиятлари ва терапевтик жараённинг коррекцияси бўйича кенг қўламдаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Орофарингеал соҳаси раки билан касалланган беморларда рухий бузилишларнинг хусусиятларини ўрганиш ва баҳолаш, даволаш жараёнини коррекция қилиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида аҳоли орасида онкологик касалликлар ва улар сабабли юзага келган рухий бузилишлар ривожланишининг хавф омилларини барвақт аниқлаш ва

¹ЖССТнинг 2017 йилги йиллик ҳисобот кўрсаткичлари <https://www.who.int>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590–сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

асоратларининг олдини олишга, шунингдек, аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам тўлақонлигини таъминлашга, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини пасайтиришга, ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори, ҳамда тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Онкологик ташҳисни қўйиш беморларда аффектив ўзгаришларга олиб келади. Улар яшаб ўтган ва қолган умрларининг мазмуни, ўз-ўзини англаш имкониятлари тўғрисида таҳлил қиладилар, бу эса ўз навбатида беморларда депрессия ва ҳавотир шаклланишига олиб келиши аниқланган (Ялом И., 2019; Бобэвски И., КиссанэД.В.,2018). Депрессия аффектив касалликларнинг клиник полиморфизмининг акс эттирувчи махсус шаклларга эга (Симуткин, Г.Г., 2019; Галкин С.А., 2020). Депрессия ва рақ халқаро тадқиқотларнинг асосий йўналишларини ташкил қилади (Блинков А.Н., 2020). Умумий популяцияга нисбатан рақ билан касалланган беморларда депрессия ва ҳавотир кўп тарқалган бўлиб, уларнинг оғирлик даражаси, даволаш шароитлари, рақнинг тури ва ташҳис қўйилгандан кейинги ўтган вақт каби бир қанча омилларга боғлиқ (Овчинников А.А., 2019; Niedzwiedz С.Л.,2019).

Турли локализацияга эга бўлган ҳавфли ўсмалар билан касалланган беморлардаги рухий ўзгаришлар ўсманинг локализацияга кўра – депрессия, ҳавотир ва ипохондрияни бўлиши аниқланган. (Денисенко А.Н., 2019). Онкологик касалликлар билан касалланган беморлардаги нопсихотик рухий ўзгаришлар ҳавфли ўсма ташҳиси қўйилгунга қадар 10 ой мобайнида сезиларли даражада кўтарилгани аниқланган бўлса, ташҳис қўйилгандан кейин биринчи ҳафта мобайнида максимал даражага етган, вақт ўтиши билан пасайиб боришига қарамай, умумий популяцияга нисбатан 10 йилдан кейин ҳам юқори кўрсаткичда қолгани аниқланган. (Andersson Т.М.,2019). Ҳавфли ўсмалар билан касалланган беморларнинг 9 ва 17% да ҳавотир ва депрессиянинг ўртача ҳамда оғир белгилари аниқланган. Онкологик

ташҳисаниқлангандан кейин 5 ва 10 йил ўтгач ҳам сезиларли фарқ бўлмаган, аёлларда депрессия ва ҳавотир белгилари эркакларга нисбатан юқори бўлган. 60 ёшдан ошган беморларда депрессия ва ҳавотир 60 ёшдан ёшларгани нисбатан сезиларли даражада камроқ бўлган (Götze H., Friedrich M., 2020).

Шундай қилиб, дунёда беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайишига олиб келувчи онкологик касалликлардаги руҳий бузилишларни ташҳислаш ва даволашга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, орофарингеал соҳа ракидаги руҳий бузилишларнинг клиник ва динамик хусусиятларини эрта босқичларида аниқлашга имконият яратувчи дифференциаллашган ташҳислаш ва даволаш чора-тадбирларини оптималлаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишга аҳамият бериш мақсадга мувофиқ бўлиб, ушбу касаллик билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида эрта ташҳислаш ва далаш жараёнини коррекция қилиш учун зарур шарт-шароитларни яраташ имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий тадқиқот режасига мувофиқ “Шифрения, наркомания ва бошқа руҳий касалликларда нопсихотик даражадаги психопатологик бузилишларни клиник-ижтимоий текшируви” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморларда руҳий бузилишларнинг хусусиятларини баҳолаш, даволаш жараёнини коррекция қилиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

орофарингеал соҳаси раки билан оғриган беморларга қандай руҳий бузилишлар хослигини аниқлаш;

орофарингеал соҳа раки ташҳиси қўйилган беморларда руҳий касалликларнинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

жарроҳлик амалиёти ўтказган ва ўтказмаган орофарингеал рак билан касалланган беморларда руҳий бузилишларнинг фарқларини аниқлаш;

орофарингеал соҳаси раки билан оғриган беморлар учун математик моделлаштириш асосида комплекс терапевтик дастурни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-2022 йилларда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали ҳамда Тошкент вилояти филиалида даволанаётган 18 ёшдан 75 ёшгача бўлган орофарингеал соҳа раки билан даволанаётган 126 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида орофарингеал рак ташҳиси қўйилган беморларнинг руҳий статусини комплекс текшируви, анамнестик ва

катамнастик маълумотлари ҳамда психологик текширув усулларининг натижалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишида клиник-психопатологик, клиник-типологик, клиник-катамнастик, психометрик, экспериментал-психологик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморларда психологик резильентлиги паст бўлганлиги сабабли истероид типдаги беморларда аффектив бузилишлар (депрессив эпизод, рекуррент депрессия) аниқланган;

орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморларда оғиз-ҳалқум ракига нисбатан тил раки билан руҳий бузилишлар орасида корреляцион боғлиқликка юқори ижтимоий ажралганлик сабаб бўлиши аниқланган;

орофарингеал соҳа раки сабабли жарроҳлик амалиёти ўтказган беморларда амалиёт ва ундан кейинги ҳолат билан боғлиқ психосоциал омилларнинг юқорилиги аффектив бузилишларга (депрессив эпизод ва рекуррент депрессия), жарроҳлик амалиёти ўтказмаган беморларда амалиёт билан боғлиқ бўлмаган психосаматозлар сабабли невротик бузилишлар (фобик ҳавотирли бузилишлар, неврастения) аниқланган;

орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморлардаги ўсма локализацияси, руҳий бузилишлар ва шахс хусуситларига қаратилган давога ёндашув оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

орофарингеал рак билан касалланган беморлардаги руҳий ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди ва психофармакотерапия ва психотерапияни ўз ичига олган комплекс даво дастури ишлаб чиқилган;

орофарингеал рак билан касалланган беморлардаги руҳий бузилишлар ва уларни юзага келтирувчи омилларни математик моделлаштириш натижаларига кўра профилактик тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда замонавий тадқиқот усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ўрганилган материал сонининг етарлилиги, клиник, клиник-типологик, клиник-психопатологик, инструментал, график, математик моделлаштириш ва статистик таҳлил усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек психометрик шкалаларни қўллаш маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, барча маълумотлар натижалари замонавий компьютер технологиясини қўллаб статистик ишлов берилганлиги, чиқарилган хулоса, ҳамда уларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморлардаги руҳий бузилишларни ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва олинган натижаларни математик моделлаштириш орқали прогностик таҳлил қилиш ҳамда тадқиқот мобайнида ишлаб чиқилган даволашнинг комплекс дастурини, профилактикаси тиббиёт муассасаларида қўллаш бўйича илмий

асосланган тавсия бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморларда ўтказилган даволашнинг комплекс дастури ёрдамида беморларнинг руҳий ва соматик ҳолати яхшиланди, математик моделлаштириш ёрдамида қилинган прогностик таҳлил касалликнинг профилактикаси учун асосли маълумотларни берди, бу эса ўз навбатида ҳаёт сифати кўрсаткичини ошириб, онкологик даво муддатини камайтириш ва самарасини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази эксперт кенгашининг 2023 йил 31 майдаги 7/24-сон хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 8 июндаги Илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича 02/21-сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморларда психологик резильентлиги паст бўлганлиги сабабли истероид типдаги беморларда аффектив бузилишлар (депрессив эпизод, рекуррент депрессия) аниқланган. Бу эса паст психологик резильентлик ҳисобига беморларда аффектив руҳий бузилишлар юзага келишини исботлаган. Олинган янги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, орофарингеал соҳа раки билан истероид типдаги шахслар бошқа шахс акцентуантларига нисбатан кўп учраши аниқланган ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилояти филиали 2023 йил 1 июндаги №106-Т ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти филиали 2023 йил 1 июндаги №30 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: амалга оширилган тадқиқотни жорий қилиниши орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморлардаги шахс типи, ўсманинг локализацияси, руҳий бузилишларнинг турига кўра даволаш жараёнини коррекция қилиш асосий касалликнинг даволаш вақтини қисқартириш, шунингдек, анъанавий диагностика ва терапевтик тадбирлар билан бирга келадиган моддий-техник харажатларни камайтириш имконини берди. Натижада даволаш самарадорлиги ошди ва асоратлар сони камайди. Хулоса: иқтисодий самара анъанавий тиббий муолажаларидан даволаш дастурини жорий этиш ҳисобига моддий-техника харажатларини 10 нафар бемор ҳисобида олганда 46 298250 сўмга камайтиришда намоён бўлди.

иккинчи илмий янгилик: орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморларда оғиз-ҳалқум ракига нисбатан тил раки билан руҳий бузилишлар орасида корреляцион боғлиқликка юқори ижтимоий ажралганлик сабаб бўлиши аниқланган. Ўтказилган тадқиқот натижалари тил ракида психосоциал омиллар оғиз-ҳалқум сартонига нисбатан юқорилигини кўрсатди. Бу тилнинг функционал фаоллиги - ундаги ўсма туфайли беморда юзага келадиган нутқдаги, нафас олишдаги, овқатланишдаги ва косметик

муаммоларнинг юқори таъсири сабабли юзага келишини кўрсатди. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилояти филиали 2023 йил 1 июндаги №106-Т ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти филиали 2023 йил 1 июндаги №30 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморларда руҳий бузилишларни даволаш учун ишлаб чиқилган даволаш дастуридан фойдаланиш касалликнинг дастлабки босқичларида руҳий бузилишларни аниқлаш, уларни ўз вақтида даволаш имконини беради, бу эса ўз навбатида беморлардаги ижтимоий фаолиятни сақлашга ёрдам беради. Иқтисодий самарадорликнинг таърифи тўлиқ давлат таъминотида бўлган касалхонада ҳар бир беморга тўланадиган харажатларни ҳисоблашга асосланади. Бир беморга мутлақ давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган шифохонанинг йиллик иқтисодий самарадорлиги кунига ётоқлар сонининг 50 % га қисқартириш ва касалликнинг эрта босқичларини даволашда касалхонадаги ўрин-кунларининг қисқариши натижасида йиллик иқтисодий тежаш 90 млн. сўмдан ортиқни ташкил этади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморлардаги руҳий бузилишларни даволаш учун таклиф қилинган даволаш дастуридан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигининг устуворликни шифохона шароитидаги харажатларни тежаш (ўрин/кун) асосий касалликни даволаш сифатини яхшилашга ва касалхонага ётқизиш феноменини камайтиришга эришдик. Шундай қилиб, кунига 2439024 сўм иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин бўлди. Бу эса соғлиқни сақлаш муассасаларининг ярим йиллик ва бир йиллик иқтисодий харажатларини сезиларли даражада камайтирди.

учинчи илмий янгилик: орофарингеал соҳа раки сабабли жарроҳлик амалиёти ўтказган беморларда амалиёт ва ундан кейинги ҳолат билан боғлиқ психосоциал омилларнинг юқорилиги аффектив бузилишларга (депрессив эпизод ва рекуррент депрессия), жарроҳлик амалиёти ўтказмаган беморларда амалиёт билан боғлиқ бўлмаган психосаматозларсабабли невротик бузилишлар (фобик ҳавотирли бузилишлар, неврастения) аниқланган. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилояти филиали 2023 йил 1 июндаги №106-Т ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти филиали 2023 йил 1 июндаги №30 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: жарроҳлик амалиётини ўтказган беморларда аффектив бузилишларни аниқлангани уларни амалиётга тайёрлаш ва амалиётдан кейин беморларни одатий ҳаёт тарзига қайтариш учун олиб бориладиган психотерапевтик ёндашув турини аниқлаш ва қўллашга ёрдам берди. Бу эса барча психосоциал омилларни ўрганиш натижаларига асосланган бўлиб, айнан жарроҳлик амалиётини

ўтказган беморларда аниқланган ижтимоий ажралганликни йўқотиш орқали улардаги депрессив бузилишлар камайишига эришилди. Бу эса ўз навбатида беморлардаги ҳаётга бўлган қизиқишни ортиши сабабли онкологик касаллик билан курашиш учун мотивацияни пайдо бўлиши ва уни ортишига олиб келди. Натижада асосий касалликни даволаш самарадорлиги ошди, беморлар онкологлар томонидан буюрилган вақтда, керакли муалажани олишга ҳаракат қилдилар. Вақтида олинган онкологик даво сабабли беморларнинг жамиятга қайтиши тезлашди ва стационарда даволаниш муддати қисқарди, метастазларни эрта аниқлаш орқали касалликни оғирлашиши, ногиронликни тез юзага келиши олди олинди. Хулоса: руҳий ўзгаришларни эрта аниқлаш, ишлаб чиқилган даволаш дастуридан максимал даражада самарали фойдаланган ҳолда тиббий ёрдам кўрсатиш моддий-техника базаси харажатларини камайтириш ҳисобига ҳар бир бемор учун харажатлар онкологик шифохоналарнинг зиммасига тушадиган муҳим иқтисодий юкламани камайтириш ва иқтисодий самарадорликни 3314430 сўмга арзонлаштириш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморлардаги ўсма локализацияси, руҳий бузилишлар ва шахс хусуситларига қаратилган давога ёндашув оптималлаштирилган, яъни юқорида санаб ўтилган омилларни ҳисобга олган ҳолда математик моделлаштириш орқали прогностик таҳлил қилиниб, ўсма локализациясига кўра руҳий бузилишларнинг кечиши ва ривожланиши ҳисобга олинган ҳолда даволаш режаси ишлаб чиқилди. Қашқадарё вилояти филиали 2023 йил 1 июндаги №106-Т ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти филиали 2023 йил 1 июндаги №30 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Олинган натижаларни прогностик таҳлил қилиш орқали руҳий бузилишларни эрта аниқлаш ва уларни назоратга олиш беморларни касаллик билан билан курашиш ва даволанишга бардош бериш қобилияти ошириб ҳаёт сифати кўрсаткичини яхшилайдди. Самарали прогностик таҳлил нафақат умумий тиббий харажатларни камайтиради, орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморлардаги депрессия ва суиқасд ҳавфини олдини олиб, беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин бўлган зарур ёрдамни кўрсатиш имконини беради. Прогностик таҳлилга саосланган ҳолда реабилитасия дастурини ишлаб чиқиш эса даволашдан кейин беморларни жамиятга интеграциялашувига ёрдам беради. Хулоса: Иқтисодий самара анъанавий тиббиёт муолажаларидан прогностик таҳлилни қўллаш ҳисобига 751540 сўмдан 1315195 сўмгача моддий-техника харажатларини камайишида намоён бўлди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференция, жумладан, 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий ишлар, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та, 2 таси республика, 1 таси халқаро ва хақаро илмий амалий конференциянинг илмий ишлар тўпламида.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 боб, хулоса, амалий тавсиялар, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Орофарингеал соҳа ракида руҳий ўзгаришларни ташҳислаш ва даволашнинг долзарб муаммолари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида дунё ва мамлакатимиздаги эпидемиологик вазият, асосий тенденциялар, онкопсихология ва руҳий ўзгаришларни даволашдаги муаммолар кўрсатилган, касаллик кликасининг ўзига хос хусусиятлари ва даволаш –профилактик чора тадбирларини қарама-қарши қарашлар билан очиқ беришга ҳаракат қилинган. Адабиётларни таҳлил қилиш, ушбу масалани ҳал қилиш вазифаларини аниқлашга имкон берди.

Диссертациянинг **“Орофарингеал соҳа ракида руҳий бузилишлари бўлган беморларни текшириш усуллари ва материаллари”** деб номланган иккинчи бобида асосий материаллар ва тадқиқот усуллари келтирилган. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилояти филиаллари базаларида 2019-2022-йилларда Орофарингеал соҳа раки ташҳиси билан стационар даволанаётган 126 нафар беморни (83 нафар эркак ва 43 нафар аёл) текшириш учун клиник, клиник-кузатув ва экспериментал психологик усуллардан фойдаланилди. Текширувга олинган беморларнинг 73 (57,9%) тасида тил раки (C02) ва 53 тасида (42,1%) оғиз ҳалқум раки (C10) ташҳиси қўйилган. Тадқиқот гуруҳига орофарингеал соҳа раки билан оғриган беморлар, 1-гуруҳ – ўсмани олиб ташлаш операциясини ўтказган беморлар 109 киши, 2-гуруҳ –жарроҳлик амалиёти ўтказмаган 17 киши. Бу гуруҳ беморларда руҳий ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Терапевтик жараёни кереррекция қилиш усуллари кўриб чиқиш учун беморлар яна икки гуруҳга ажратилди, текширув натижалари тўғри бўлиши учун бу гуруҳга операция бўлган ва руҳий ўзгаришлар аниқланган беморлар киритилди. Бу беморлар 96

тани ташкил этиб, биринчи гуруҳга 51 та бемор киритилди ва уларга фақат психофармакотерапия ўтказилди, иккинчи гуруҳни 45 та бемор ташкил қилиб, уларга психофармакотерапия ва психотерапия қўлланилди.

Тадқиқотга олинган беморларнинг ёши 18 дан 75 ёшгача, шулардан 30 ёшгача бўлган беморлар сони 7 киши (5,6%), 31 ёшдан 40 ёшгача - 9 киши (7,1%), 41 ёшдан 50 ёшгача - 24 киши (19,1%), 51 ёшдан 60 ёшгача – 43 киши (34%), 61 дан 70-34 гача (26,9%), 70-9 ёшдан юқори (7,1%) Беморларнинг ўртача ёши. $48,2 \pm 6,5$ ёш.

“Касалликнинг ижтимоий-дермографик ва клиник кўринишини ҳисобга олган ҳолда орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморлардаги руҳий бузилишларни текшириш” деб номланган учинчи бобида КХТ-10 нинг руҳий касалликларга тегишли бўлимидаги мезонларга асосланиб ўсманинг локализациясига кўра психиатрик ташҳис қўйилди. Беморлар икки гуруҳга, яъни жарроҳлик амалиёти ўтказган ва ўтказмаганларга ажратилиб, қайси руҳий бузилишлар кўп учраши аниқланди, гуруҳлар орасида солиштирилди. Леонгард-Шмишек сўровномаси ёрдамида шахс акцентуациясининг қайси турлари кўп учраши аниқланди.

1-жадвал.


Ўсманинг локализациясига кўра руҳий ўзгаришлар

Руҳий бузилишлар	Тил раки		Оғиз ҳалқум раки		P	Жами	
	абс	%	абс	%		абс	%
Невротик бузилишлар (F40, F48)	16	22,0	9	17,0	$>0,05$	25	19,8
Аффектив бузилишлар (F32, F33)	38	52,0	34	64,2	$<0,05$	72	57,2
Органик бузилишлар (F06.6, F06.78)	12	16,4	4	7,5	$>0,05$	16	12,7
Руҳий бузилишлар йуқ	7	9,6	6	11,3	$>0,05$	13	10,3
Жами	73	100	53	100		126	100

Жадвалдан кўришиб турибдики, беморларнинг асосий қисмида аффектив руҳий бузилишлар, F32- депрессив эпизод, F33- рекуррент депрессив бузилишлар-72 та (57,2%), кейинги ўринда невротик бузилишлар F40-ҳавотирли-фобик бузилишлар, F48- неврастения 25 та беморда (19,8%), 16 (12,7%) та беморда эса органик бузилишлардан F06.6- органик эмоционал лабил (астеник), F06.78-аралаш касалликлар сабабли юзага келган енгил когнитив бузилишлар аниқланди. Қолган 13 та (10,3%) беморда руҳий бузилишлар аниқланмади. Аффектив бузилишлар невротик ва органик руҳий бузилишлардан юқори бўлди ($p < 0,001$).

Жарроҳлик амалиёти ўтказган беморларнинг кўпчилигида аффектив бузилишлар аниқланди (F 32) ташҳиси- 65 (59,6%) та беморда ва (F 33)- 5 (4,6%) та беморда, жарроҳлик амалиёти ўтказмаган беморларда фоизга

нисбатан олганда анча кам, 1 (5,9%) ва 1(5,9%). Невротик бузилишлар фоизга нисбатан олганда, жарроҳлик амалиёти ўтказмаган беморларда кўп учради, (F 40, F 48) -5 та бемор (29,4%) ва 6 та бемор (35,2%), Жарроҳлик амалиёти ўтказган беморларда эса (F 40, F 48) ташҳиси 1 (0,9%) ва 13 (12%). Органик бузилишлар (F 06.6, F 06.78) иккала гуруҳда деярли бир хил учради, жарроҳлик амалиёти ўтказганларда 10 та бемор (9,1%) , 4 та бемор (3,7%) ва ўтказмаганларда 1 та (5,9%), 2 та (11,8%). Демак, кўриниб турибдики, жарроҳлик амалиёти ўтказган беморларда аффектив бузилишлардан депрессив эпизод ва рекуррент депрессив бузилишлар ташҳиси кўп учрар экан. Жарроҳлик амалиёти ўтказмаган беморларда эса невротик бузилишлардан кўрқув ҳавотирли бузилишлар ва неврастения ташҳиси кўп учраши аниқланди. Руҳий бузилишлар аниқланмаган беморлар иккала гуруҳда ҳам деярли бир хил учраб 10,1% ва 11,8%, жарроҳлик амалиётини ўтказиш ташҳисни қўйишга таъсир қилмаслигини кўрсатди. ($p>0,05$).



1-расм. Леонгард–Шмишек сўровномаси бўйича беморларнинг тақсимланиши.

Леонгард –Шмишек сўровномаси бўйича қийидагини хулоса қилиш мумкин, биринчи гуруҳ беморларининг кўпчилигини психоастениклар (39%), астениклар (24,8%) ва нотурғун (16%) шахс типлари ташкил қилди. Иккинчи гуруҳ беморларининг кўпчилигини истерик(52%) ва нотурғун (23,5%) шахс типлари ташкил қилди ($p>0,05$).

Орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморлардаги невротик бузилишлар. Жарроҳлик амалиётини ўтказмаган беморларда кўпроқ невротик бузилишлар аниқланди. Невротик бузилишлар- узоқ давом этувчи стрессли вазиятлар, руҳий жароҳат туфайли шакилланувчи функционал бузилишларнинг катта гуруҳи. Бу бузилишларнинг клиникаси

турлича бўлиб, беморлар ҳавотир (ички ҳавотир, безовталик)ка, ўлимдан қўрқишга, паник ҳужумларга шикоят қилдилар. Невротик бузилишлар руҳий жароҳат (айни дамда онкологик ташҳис), туфайли юзага келиб, эзилиш, сиқилиш шаклида сақланиб турувчи ички зиддият билан кечади. Натижада стресс кечинмалар, ҳиссий таранглик, тушкунлик орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморда невротик бузилишларни юзаган келтиради.

Орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморлардаги аффектив бузилишлар.

Аффектив бузилишлар онкологик касалликларнинг турли типларида учрайди. Кайфият бузилишларининг, асосан депрессив тури тадқиқот гуруҳининг 57,1% да кузатилди.

Орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморлардаги органик бузилишлар.

Органик бузилишлар орофарингеал соҳа раки билан касалланган 16 та беморда аниқланди. Беморларнинг анамезидан олинган маълумотларда ҳушни йўқотмаган ҳолда БМЖ ўтказганлари, бундан ташқари химия- ва нур даво натижасида интоксикация кузатилгани аниқланди. Мазкур маълумотлар анамнез йиғиш ва инструментал текширувлар ва неврологнинг консултациясида аниқланди.

Орофарингеал соҳа раки ташҳиси қўйилган беморлардаги руҳий бузилишларнинг характеристикаси.

Руҳий касалликни ташҳислашдаги муаммо руҳий патология билан касалликка бўлган нормал реакцияни фарқлашда бўлиб, бу муаммони ечиш учун Спилберг сўровномаси ва Цунг шкаласидан фойдаландик.

Ўртача қиймат кўрсаткичларига кўра ([Q1;Q3] Цунг шкаласи бўйича) 1 гуруҳда операциядан кейин депрессияни 2 гуруҳга нисбатан ортганини кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Цунг шкаласи бўйича иккала гуруҳ беморларида депрессив симптоматиканинг намоён бўлиши ($p \leq 0,05$).

Гуруҳлар	1 гуруҳ	2 гуруҳ	Жами
[Q1;Q3]	10 [4;15]	6 [3;10]	6 [4;10]

Интерквартил интервал 1 ва 2 гуруҳ беморларининг кўрсаткичлари орасидаги фарқни кўрсатди ($p \leq 0,05$).

2-жадвалдан иккала гуруҳ беморларига чарчоқ, йиғлоқилик, қониқиш ҳиссининг йўқлиги, ҳолсизлик, уйқу бузилиши, ўлишни хоҳлаш каби симптомлар ҳослигини кўришимиз мумкин. Булардан ташқари фақатгина депрессиянинг белгиси эмас балки асосий онкологик касалликнинг ҳам белгиси ҳисобланган иштаҳа бузилиши, вазнинг камайишига бўлган шикоятларни ҳам ажратишимиз мумкин.

Тадқиқот пайтида турли хил руҳий бузилишлари бўлган ва бўлмаган барча беморларда Цунг шкаласи бўйича депрессив симптомларнинг оғирлигини аниқлаш учун медиана ёрдамида таҳлил ўтказилди.

3-жадвал**Цунг шкаласи бўйича рухий бузилишлари бўлган ва бўлмаган беморларда депрессив симптомларнинг кўрсаткичлари [Q1;Q3].**

Рухий бузилишлар	Медиана	p
Рухий бузилишларсиз (n=13)	3,1 [1; 4]	>0,05
Аффектив бузилишлар(n=72)	15 [9; 18]	≤0,05
Невротик бузилишлар(n=25)	9 [6; 13]	>0,05
Органик бузилишлар (n=16)	4 [3; 9]	>0,05

3-жадвалдан кўришиб турибдики, аффектив бузилишлари бўлган беморларда депрессив симптомлар кўрсаткичи баланд, невротик бузилишлари бўлган беморларда эса энг паст эканини кўриш мумкин.

Жарроҳлик амалиёти ўтказмаган 2-гурух беморларда Медиана қийматларга ([Q1;Q3] Спилберг сўровномаси бўйича) кўра, 1-гурухдаги беморларга нисбатан ҳавотир симптомлари ошган.

4-жадвал**Спилберг сўровига кўра ҳар иккала гуруҳда ҳавотир симптомларнинг намоён бўлиши (p≤0,05).**

Гуруҳлар	1 гуруҳ	2 гуруҳ	Жами
[Q1;Q3]	6 [3;11,5]	9,5 [6;12,5]	9 [4,5;12]

Интерквартил интервал 1 ва 2 гуруҳларнинг кўрсаткичлари ўртасидаги фарқни кўрсатди (p≤0,05). 2-гурухдаги беморларнинг таҳлилида келажаги ҳақида ташвишлилик, кайфиятнинг пасайиши, ҳавотир (соматик ва ақлий), кўзғалувчанлик, чарчоқ, безовталиқ ва бошқалар каби умумий белгиларини аниқлади. Кейинчалик, ҳавотир даражасини таҳлил қилиш учун Спилберг шкаласи бўйича медианалар текширилди.


5-жадвал**Рухий ўзгаришлари бўлган ва бўлмаган беморларда Спилберг сўровномаси бўйича кўрсаткичлар [Q1;Q3].**

Рухий бузилишлар	Медиана	p
Рухий бузилишларсиз (n=13)	3,1 [1; 4]	>0,05
Аффектив бузилишлар(n=72)	12 [11; 14]	>0,05
Невротик бузилишлар (n=25)	12 [11; 14]	≤0,05
Органик бузилишлар (n=16)	4 [3; 9]	>0,05

Жадвалдан кўришиб турибдики, ҳавотирнинг энг юқори кўрсаткич невротик бузилишлари бўлган беморларда аниқланган. Невротик бузилишлари бўлган беморларда нотинчлик, безовталиқ, асабийлик, калажакка қайғуриш аниқланди. Органик рухий бузилишлари бўлган беморларда ҳам шу белгилар аниқланганига қарамай, уларга йиғлоқилик, қарор қабул қилишнинг қийинлиги, ўзига нисбатан ўта сезувчанлик хос. Аффектив ўзгаришлари бўлган беморларга эса депрессив симптоматика билан соматик шикоятлар хос.

“Орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморлардаги рухий бузилишларнинг психофармакотерапевтик даволаш усуллари” номли тўртинчи бобида орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморлардаги рухий бузилишларни ҳам психофармакотерапия ҳам психотерапия ёрдамида комплекс даволаш алгоритмининг дастури ишлаб чиқилди.

Биз ишлаб чиққан дастурнинг самарадорлигини аниқлаш учун беморлар тасодифий равишда 2 гуруҳга бўлинган. I гуруҳга фармакотерапия (51 киши) ва II гуруҳга фармакотерапия ва психотерапия (45 киши) берилди. Тадқиқотнинг шаффофлиги учун рухий бузилишлари бўлмаган беморлар (13 киши) ва жарроҳлик амалиётисиз беморлар (17 киши) тадқиқотдан чиқарилди. Даволаш жараёнини бошлашдан олдин беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш учун SF-36 сўровномаси ўтказилди. Даволаш бошланишидан олдин SF-36 сўровномасининг стандартлаштирилган кўрсаткичларини таҳлил қилиш ҳар иккала гуруҳда ҳам ҳаёт сифатининг паст кўрсаткичларига эга эканлигини кўрсатди ($p>0,05$). Анкета натижаларига кўра, оғриқ шкаласи (BP) $22,59\pm 7,57$ балл, умумий саломатлик (GH) $23,67\pm 6,67$ балл ва ментал саломатлик (MH) баллари - $23,1\pm 3,59$ балл бўлган респондентларнинг иккала гуруҳида энг паст кўрсаткичлар бўлди. ($p>0,05$).




2- расм. Тадқиқот гуруҳларида жисмоний саломатлик *Physical Health-PH* бўйича беморларнинг маълумотлари ($p>0,05$).

Ҳаёт сифатининг жисмоний компонентининг кўрсаткичлари орофарингеал соҳа ракига чалинган барча беморларда паст бўлган, I гуруҳда PF шкаласи - 43,89 балл, II гуруҳда - 45,67 балл. Беморларнинг жисмоний фаоллиги пасайгани, касалликдан олдин ҳар куни бажариладиган жисмоний машқларни бажариш қийинлашгани, чарчоқ пайдо бўлгани, ҳолсизлик пайдо бўлганини айтдилар. Инсоннинг мунтазам ҳаётий фаолиятида жисмоний фаолиятнинг ролини тавсифловчи RP шкаласи I гуруҳда паст натижаларни кўрсатди - 38,46 балл, II гуруҳда - 36,00 балл. Беморларнинг таъкидлашича, бу уларнинг ишлашга қодир эмаслиги ва олдинги иш жойидан бўшатилишининг асосий сабаби.

ВР кўрсаткичлари оғриқ синдромининг интенсивлиги ва беморларнинг кундалик ҳаётига таъсири. Ушбу шкала бўйича маълумотлар барча кўрсаткичларнинг энг пастги I гуруҳда - 21,08 балл, II гуруҳда - 24,10 балл. Беморларнинг ўзлари оғриқнинг йўқлиги улар учун жисмоний ҳолатини яхшилашнинг энг муҳим белгиларидан бири эканлигини ва оғриқнинг мавжудлиги уларнинг умумий фаровонлиги ва жисмоний фаоллигига таъсир қилганини тан олди.

Барча беморлар ўзларини ноумид касал деб ҳисобладилар ва касалликнинг ремиссиясига ишонишдан бош тортдилар, бу умумий саломатлик шкаласининг (GH) бали кўрсатади - I гуруҳда 25,01 балл ва II гуруҳда 22,32 балл. Ушбу кўрсаткичлар беморнинг аҳволини субъектив равишда салбий баҳолашини ва уларнинг даволанишига ишонмаслигини, кейинги ўсмага қарши давони олишни истамаслигини, саратонга қарши туриш учун мотивация ва ресурсларнинг этишмаслигини кўрсатади.



3- расм. Тадқиқот гуруҳларида руҳий саломатлик (*Mental Health MH*) бўйича беморларнинг маълумотлари ($p > 0,05$).

Mental Health (MH) маълумотлари орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморларда шубҳасиз руҳий бузилишлар борлигини кўрсатади. Ўзига паст баҳо бериш ва ўсмага қарши давондан умидсизлик.


Психофармакотерапия ва психотерапиядан сўнг SF-36 сўровномаси, Цунг шкаласи ва Спилберг сўровномаси такроран ўтказилди ва солиштириб, ишлаб чиқилган даволаш дастурининг самараси баҳоланди.

Орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморларда психотерапия ва психофармакотерапия 3 бобда айтиб ўтилган руҳий бузилишлар турига қараб олиб борилди.

**Орофарингеал соҳа раки билан касалланган беморларда
психофармакотерапия.**

	Невротикбузилишлар	Аффектив бузилишлар	Органикбузилишлар
Биринчи босқич (ўргатувчи ва диагностик)	Рационал психотерапия		
Индивидуал даволаш босқичи	Миртазапин Тразодон	Флуоксетин Пароксетин	ноотроплар, вазоактив препаратлар
	Когнитив-хулқ психотерапия (маъсулиятни қабул қилиш техногияси, англаш техникаси, ABCDE-техника), Гуруҳли арт-терапия (ижодий намоён қилиш орқали даволаш)		
Яқунловчи босқич	Позитив фикрлашнинг ривожланиши, шифокор тавсияларига риоя қилиш, енгил жисмоний юклама, ташҳисини англаб етиш ва ўз саломатлигига жавобгарликни ҳис қилиш.		


Фармакотерапия терапевтик дозаларда буюрилган, тадқиқот тугагандан сўнг деярли барча беморларга (76 киши) антидепрессантларни паст дозаларда қабул қилишни давом эттириш тавсия этилган. Жарроҳлик амалиёти ўтказмаган беморларга жарроҳлик муолажалари режалаштирилгани туфайли антидепрессантлар буюрилмаган ва шунинг учун тадқиқотдан четлатилган.



4-расм. Тадқиқот гуруҳларида Physical Health (PH) бўйича беморлар учун терапиядан олдин ва кейин кўрсаткичлар ($p \leq 0,05$).

4-расмдан кўриниб турибдики, I гуруҳдаги беморларда бироз яхшиланишга қарамай, II гуруҳдаги беморларда жисмоний саломатлик (PH) бўйича беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари анча юқори. Беморлар кун давомида жисмоний фаолликнинг ошиши, оғриқнинг камайиши ёки йўқлиги, фаол фаоллик ҳолати - "касалликкача каби", ижтимоий фаолиятнинг

